



**“ГИДРОИНГЕО институти” давлат муассаси ходимлар орасида
“9-декабрь - Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”га
бағишланган Аксилкоррупция ойлиги доирасида давра суҳбати
1 -сонли БАЁНИ**

2024 йил 5 ноябрь

Тошкент ш.

Раислик қилди: Охунов Ф.А. директор уринбосари (илмий ишлар ва инновациялар буйича).

Котиб: Тошев Ш.Д. – илмий котиб в.б.

Қатнашдилар: ___ киши.

Кун тартиби:

1. “ГИДРОИНГЕО институти” давлат муассаси ходимлар орасида ”9-декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишланган ноябрь ой Аксилкоррупция ойлиги доирасида давра суҳбати ўтказиш.
2. Коррупциявий жиноятларни олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш буйича чора-тадбирлар.
3. Мажлис иштирокчиларига “**Виждон саратони**” видеоролик тақдим этиш.

ЭШИТИЛДИ:

Давра суҳбатини директор ўринбосари (илмий ишлар ва инновациялар буйича) Охунов Ф.А. очиб, Ш.Мирзиёевни “Коррупцияга қарши курашиш виждони пок инсоннинг, хар бир демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчи” эканини таъкидлади.

Шу билан бирга, ”9-декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишлаб ноябрь ойи бутун республикада Аксилкоррупция ойлиги тўғрисида эълон қилинганини эълон қилди.

Иккинчи масала буйича коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорати етакчи мутахассиси С.Э.Махсуддиновга сўз берилди.

Махсуддинов С.Э. томонидан давра иштирокчиларига коррупциявий ҳолатларнинг сабаблари, кўп учрайдиган коррупциявий кўринишларнинг турлари, рағбатлантириш ва профилактикаси тўғрисида қисқача маълумот берилди.

Махсуддинов С.Э. институтида коррупцияга оид хабарларни қайси алоқа каналлари орқали маълум қилиш мумкинлигини эслатди.

Мажлис иштирокчиларига “Виждон саратони” видеоролик тақдим этилди.

Қатнашувчилар маърузаларни эшитиб ва видеороликни кўришди. Шунингдек, мазкур видеоролик Расмий каналларда эълон қилинди. Юқоридагилардан келиб чиқиб,



ҚАЙД ЭТИЛДИ:

Кун тартибдаги масала юзасидан директор ўринбосари (илмий ишлар ва инновациялар буйича) Охунов Ф.А. қуйдагиларни айтиб ўтди:

- Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Конун асосида коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш, ходимларнинг Одоб-ахлоқ Низомнинг талабларини бажаришга эътиборини торди;
- Институт жамоасини огоҳлантириш мақсадида коррупциявий кўринишларни хабардорликни ошириш, институт ходимларидан доимий равишда манфаатлар тўқнашуви пайдо булиши ёки эҳтимоли бор вазиятларни бартараф этишга чорлади;
- 2020 й. 31 декабрь 829-сонли ВМК “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа йўл билан хисса қўшган шахсларни мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида Коррупциявий кўринишлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш мавжудлигини эслаб ўтилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кўрсатилган коррупциявий кўринишлар, шу билан бирга, пора олиш ва пора бериш тўғрисида маълумотлар ва салбий видеороликдаги воқеяларни олдини олиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “ГИДРОИНГЕО институти” давлат муассасаси телеграм каналида “Виждон саратони” видеороликни жойлаштириш ва давра суҳбати ўтказилганлиги хақида қисқа маълумот берилсин.
2. Махсуддинов С.Э. янги ишга қабул қилинадиган номзодларга коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги асосий тушунчаларни тўлиқ етказишни кучайтириш, асосий жамоа ичида манфаатлар тўқнашуви ва бошқа коррупциявий кўринишларни олдини олиш бўйича йиллик Дастур бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш таъминлансин.

**Илмий ишлар ва инновациялар
буйича директор уринбосари**



Ф.Охунов

Илмий котиб



Ш.Тошев

**Коррупцияга қарши курашиш
комплаенс назорат
етакчи мутахассиси**



С.Махсуддинов